

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Phd.03/30.01.2020.1.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМУРАТОВ КУАНЫШ ПОЛАТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТЛАР  
СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Халмуратов Куаныш Полатович**

Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш...3

**Халмуратов Куаныш Полатович**

Совершенствование организационно-экономического механизма государственно-частного партнерства в сфере услуг в Республике Каракалпакстан .....29

**Khalmuratov Kuanish Polatovich**

Improving the organizational and economic mechanism of public-private partnership in the service sector in the Republic of Karakalpakstan.....57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....61

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1156 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида ([www.karsu.uz.uz](http://www.karsu.uz.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салаев Санъатбек Комилович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Досчанов Тангриберген**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Пардаев Олим Мамаюнусович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги Phd.03/30.01.2020.I.20.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 23 «сентябрь» соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230113, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998 61) 223-60-78, (998 61) 223-59-25, e-mail: [info\\_karsu@edu.uz](mailto:info_karsu@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230113, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998 61) 223-60-78, (998 61) 223-59-25, e-mail: [info\\_karsu@edu.uz](mailto:info_karsu@edu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «8» сентябрь кун тарқатилди.  
(2021 йил «8» сентябрь даги 3 рақамли реестр баённомаси).



**К.Убайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**А.К.Альмов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, PhD

**Т.Досчанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жаҳонда глобаллашув ва кескин рақобатчилик жараёнлари кечаётган бир шароитда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. Дарҳақиқат, Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2019 йил дунё ЯИМда сервис соҳасининг улуши 55 фоизни, G20 га аъзо мамлакатларда ўртача 62 фоизни, ХХР-Гонконгда 89 фоиз, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Голландия, Япония, Сингапур, Испания ва Канадада 70 фоиздан ортиқ, Индонезия, Ҳиндистон, ХХР, Жанубий Корея 50 фоиздан ортиқ улушни ташкил қилди.<sup>1</sup> Шунингдек, МДХ мамлакатлари ЯИМ да Россияда 68 фоиз, Беларусда 59 фоиз, Қозоғистонда 64 фоиз хизматлар соҳаси улушига тўғри келади.<sup>2</sup> Бугунги кунда хизматлар соҳаси янги ишчи ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга етакчи роль ўйнамоқда.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада ривожлантириш, унинг макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улушини ошириш, айниқса COVID-19 пандемияси даврида жойларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг янги ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланиш ва тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Жумладан, давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) механизми асосида хизматлар соҳаси самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш тармоқларида ДХШ механизми юқори самара берадиган йўллари асослаш, маҳаллий, ҳудудий ва макроиқтисодий даражадага ДХШ механизмининг хизматлар соҳасига берадиган мультипликатив таъсирини инобатга олган ҳолда ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги тўрт йил мобайнида хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши йил сайин барқарор ошиб боргани ҳолда соҳани янада қўллаб-қувватлаш бўйича кенг камровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, ЯИМнинг таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси (ХКС) улушини ошириш, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини тубдан ўзгартириш”<sup>3</sup> устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борада хизматлар соҳаси субъектларини модернизациялаш, ХКС таркибини диверсификациялаш, юқори сифатли, рақобатбардош хизматлар кўрсатишни ошириш, ХКСларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизм (ТИМ) ларини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

---

<sup>1</sup><https://news.myseldon.com/ru/news/index/230465926/> Кто последний? Какие страны выйдут из кризиса позже других

<sup>2</sup> [www.exim.gov/sites/default/files/reports/EXIM-Competitiveness-Report\\_June2017.pdf](http://www.exim.gov/sites/default/files/reports/EXIM-Competitiveness-Report_June2017.pdf)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони\lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2843 сон “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980 сон “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертациянинг назарий-методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, ДХШ механизмига оид фундаментал асарлари, миллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг сервис соҳаси, ДХШ механизмини янада ривожлантириш бўйича асарлари хизмат қилди.

Хизматлар соҳаси ва ДХШ механизмини ривожлантиришнинг назарий-методологик муаммолари хорижлик олимлардан А.Бордман, Ф.Вининг, Г.Ходж, С.Греве, Т.Бовайрд, Д.Бринкерхофф, Ж.Бринкерхофф, К.Конноли каби олимларнинг ишларида кенг ёритилган<sup>4</sup>.

МДХ олимларидан эса Г.А.Аванесова, А.Э.Айказян, А.Н.Алейников, Ю.П.Анискин, А.Алабин, А.О.Блинов, Г.Ершова, А.М.Игнатъев, А.Б.Крутик, А.И.Муравьев, В.А.Петров, А.Л.Пименова, В.Семченко, К.П.Милюченко А.Г., Ю.В.Кудруг, Д.А. Плетнёв, Е.В. Николаева, А. Кампа, Н. Н.Калмыков,

---

<sup>4</sup> [https://www.researchgate.net/profile/Anthony\\_Boardman](https://www.researchgate.net/profile/Anthony_Boardman). Aidan Vining [The Political Economy of Public-Private Partnerships and Analysis of their Social Value](#); Hodge G.A., Greve C. Public-private partnership in turbulent times. Rethinking public-private partnerships: Strategic approaches for turbulent times. Oxon: Routledge. 2013. P. 124; Hodge G.A., Greve C., Boardman A.E. International Handbook in Public-Private Partnerships. UK: Edward Elgar. 2012. pp.27-28.; <https://www.researchgate.net/publication/227724894> [D. W. Brinkerhoff, J.Brinkerhoff. Public-private partnerships](#) Perspectives on purposes publicness and good governance; <https://www.researchgate.net/publication/232911819> [https://www.researchgate.net/profile/Ciaran\\_Connolly](https://www.researchgate.net/profile/Ciaran_Connolly)?\_The\_Priva te\_Finance\_Initiative



Т. Б.Иванова, И. С.Землянская, Н. И.Мирошников, А. П. Исаев ва бошқалар<sup>5</sup>нинг илмий ишлари бағишланган.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини шакллантириш, ДХШ механизмини ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, М.Қ.Пардаев, Б.Тўраев, С.К.Салаев, Н.Муродова, М.Алимова, У.Ғофуров, Б.Абдукаримов, Д.Р.Зайналов, Б.Олланазаров, У.Джуманиязов ва бошқалар<sup>6</sup>нинг асарларида кенг ёритилади. Шунингдек, Н.Юсупов ва Ф.Карабаевлар UNDP доирасида ДХШнинг шаклланиши, Б.Олланазаров туризм соҳасида ДХШ механизми асосида инвестиция механизмини такомиллаштириш, У.Джуманиязов эса уй-жой қурилиши соҳасида ДХШ механизмидан самарали фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилишган.

Аммо, республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий драйверларидан бири ва ҳаракатлар стратегиясининг ушвор йўналишларидан бири бўлган - ДХШнинг замонавий иқтисодиётдаги ўрни аниқланмаганлиги, хизматлар соҳасида қайси шароитларда иқтисодиётга давлат аралашувига йўл қўйиш, хусусий сектор ва давлатнинг шерикчилигини ривожлантириш, ижтимоий соҳада ДХШ лойиҳаларининг кўлами ва давомийлиги, шакллари ва турлари, шарт-шароитлари, ДХШни амалга оширишнинг институционал, ташкилий механизмлари, айниқса, тоза ичимлик суви ва мактабгача таълимга болалар қамрови нисбатан паст бўлган Қорақалпоғистон Республикаси шароитида таълим ва туристик хизматлар соҳасида ДХШни самарали қўллаш

---

<sup>5</sup>Г.А.Аванесова. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учеб. пособие. - М.: Аспект Пресс. - 2004. - 317, 1. с. А.Э.Айказян. Реализация инвестиционных промышленных проектов в сфере малого предпринимательства. М.: РАН, Ин-т. Экономии. - 2000, А.Н.Алейников. Предпринимательская деятельность. М. - 2003., Ю.П.Анискин. Организация и управление малым бизнесом. М.: Финансы и статистика. - 2002; Т.Д.Бурменко. Экономика сферы услуг. - Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004.; Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006.; Азар В.И., Козел К.П. Особенности критериев отнесения к малому и среднему бизнесу и их отличия в Беларуси, России и Польше // Вестник БНТУ, №1, 2009, С. 90-94; Милоченко А.Г., Кудруг Ю.В. Сравнительная характеристика малого и среднего бизнеса Республики Беларусь и Федеративной Республики Германия // Сб.трудов Межд.научно-практической конф (Россия, г. Новосибирск, 03.02.2015 г.); Д.А. Плетнёв, Е.В. Николаева, А. Кампа. Сравнительный анализ критериев отнесения предприятий к малому и среднему бизнесу в разных странах. Стратегия бизнеса № 9(17) 2015, электронный научно-экономический журнал стр 30.

<sup>6</sup> Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. - с.19-83., Зайнутдинов Ш.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси менежменти. - Т.: Иқтисодиёт, 2012. М.Қ.Пардаев, Р.Атабаев, Б.Р.Пардаев. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. Т.: 'Fan va texnologiya', 2007.; Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм Т.: «Фан ва технология». 2008.; М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар умумий таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. - 259 б.; Д.Р.Зайналов. Услуги и сервис как экономическая категория // Сервис. - Самарканд, 2009. - №1.; Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризми ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт.фан.доктори (DSc) дисс. автореферати. Самарканд, 2017; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.:Фан, 2009., Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. - 300 б.; Б.Олланазаров. Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. Хива.2019. - №1. Б.36-41. Джуманиязов У.И. илхамович давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. Ph.D. илмий даражаси учун дисс.авторферати.Тошкент.ТДИУ, 2017.

истикболлари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаганлиги танланган диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ва ПЗ-2017-092718-Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш мавзусидаги лойихага илмий лойиха (2018-2020 йй.) доирасида.

**Тадқиқотнинг мақсади** хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсия ҳамда таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

Давлат ва хусусий шерикчилик концепциясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва генезисини асослаш;

Хорижий давлатларда ДХШ муносабатларини ривожлантиришнинг илғор тажрибалари ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги ҳолатини баҳолаш;

Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини баҳолаш усуллари;

ДХШ механизмида хатарлар ва ташкилий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини баҳолаш;

Қорақалпоғистонда хизматлар соҳасида ДХШни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

минтақада туристик хизматлар соҳасида ДХШни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини асослаш;

минтақа таълим хизматлари соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва ҳ.к.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси хизматлар соҳасида ДХШ механизми асосида фаолият юритаётган субъектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хизмат кўрсатиш соҳаларида ДХШ механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, суҳбат, статистик, иқтисодий, молиявий, корреляцион-регрессион таҳлил, рейтинг ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нодавлат мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шерикчилик асосида хусусий шерикка тегишли ер, бино-иншоотларда ташкил этиш тартиби такомиллаштирилган;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини давлат-хусусий шерикчилик механизми бўйича мактабгача таълим муассасалари ривожланиш интеграл кўрсаткичлари асосида табақалаштирилган гуруҳларга ажратиш ёндошуви ишлаб чиқилган;

минтақада мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида тозаланган ичимлик суви таъминоти ижтимоий лойиҳасини йўлга қўйишнинг ташкилот ва аҳоли учун афзалликларини кўп вариантли баҳолаш усули такомиллаштирилган;

минтақада хизматлар соҳаси ривожланишини кўп омилли эконометрик баҳоланган ва давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида туристик хизматларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва асосий хусусиятлари, соҳада ДХШ концепциясини самарали қўллаш орқали аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш йўналишлари исботланган;

минтақада мактабгача таълим тизимида ДХШ механизмидан фойдаланиш йўналишлари кўп ўзгарувчили омиллар ёрдамида таснифланиб баҳоланган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини хизматлар соҳаси ривожланганлиги бўйича табақалашган гуруҳларга ажратилган;

Қорақалпоғистон Республикаси таълим хизматлари тизимида, хусусан, мактаб, МТМлар ҳудудида ДХШ механизми асосида ижтимоий инфратузилма объектларини йўлга қўйишнинг ташкилот ва аҳоли учун афзалликлари кўп вариантли баҳолаш ёрдамида асосланган;

минтақа туман ва шаҳарларини туристик хизматлар салоҳияти SWOT таҳлил қилинган ҳолда умумий хизматлар ривожланиши кўп омилли эконометрик баҳоланган ва ДХШ механизми асосида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, иқтисодиётда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг истиқболини асослашнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ва бошқа давлат



органлари томонидан мақсадли тармоқ дастурлари, махсус концепциялар ва «Йўл харита»ларини ишлаб чиқишда кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг Иқтисодиёт ихтисослиги бўйича ўқув адабиётлари, жумладан дарсликлар ва қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон республикасида хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар натижасида:

нодавлат мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шерикчилик асосида хусусий шерикка тегишли ер, бино-иншоотларда ташкил этишнинг такомиллаштирилган тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги амалиётида қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 12 декабрдаги 01-01-14/2146-сон маълумотномаси). Ушбу тақлиф асосида Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурга тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда минтақада давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилиши режалаштирилаётган хизматлар соҳаси субъектларининг устувор йўналишлари асосланиши белгиланган;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини давлат-хусусий шерикчилик механизми бўйича мактабгача таълим муассасалари ривожланиш интеграл кўрсаткичлари асосида табақалаштирилган гуруҳларга ажратиш ёндошувини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлардан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги амалий фаолиятида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 01-01/10-3795-сон маълумотномаси). Ушбу тақлифни амалиётда қўллаш натижасида минтақада давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилиши кўзда тутилган оилавий мактабгача таълим муассасалар сони 25 фоизга, нодавлат мактабгача таълим муассасалар 10 фоизга, бевосита давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасалар сони эса 5 фоиздан кўпроқ ўсишига эришилган;

Минтақада мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида тозаланган ичимлик суви таъминоти ижтимоий лойиҳасини йўлга қўйишнинг ташкилот ва аҳоли учун афзалликларини кўп вариантли баҳолаш усулини такомиллаштириш бўйича тақлифлари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 12 декабрдаги 01-01-14/2146-сон маълумотнома). Мазкур тақлифни амалиётда қўлланилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг марказий сув тармоғига уланмаган 429 та ўрта умумтаълим мактабларида ҳамда 400 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларида ўқувчи ёшлар ва болажонлар, шу ташкилот жойлашган МФЙ, ОФЙ ларнинг қарийб 0,5 миллиондан ортиқ аҳолиси тоза ичимлик

суви билан таъминлаш, турли ўт-тош, бўйрак тош, сийдик- тош касалликларининг олди олиш ҳамда ўрта ҳисобда айнан давлат-хусусий шерикчилик асосидаги ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши туфайли 1000 га яқин иш ўринларини барпо этиш имконияти яратилган;

минтақада хизматлар соҳаси ривожланишини кўп омилли эконометрик баҳоланган ва давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида туристик хизматларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Туризмни ривожлантириш бошқармаси амалиётида қўлланилган (2020 йил 10 декабрдаги 01/1078-сон маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудларнинг давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида туристик хизматлар йўналишларини кўпайишига ва туризм ривожланганлиги бўйича ҳудудларга табақалашган ҳолда ёндошиб мақсадли қўллаб-қувватланувига эришилади, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудларида туристик салоҳиятни оширилишига ва туристик хизматларнинг минтақа ялпи хизматлари ва ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳажмларини мос равишда 5 фоиз ва 2 фоизгача ўсишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда ҳамда 6 та тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг “**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденциялари ва уни давлат томонидан бошқариш тажрибаси**” деб номланган биринчи бобида иқтисодий либераллаштириш шароитида хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари, ДХШ концепциясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти,

генезиси, чет давлатларда ДХШ муносабатларини ривожлантиришнинг илғор тажрибалари ўрганилган. Шунингдек, айнан мактабгача таълим хизматлар соҳасида ДХШ механизми афзалликлари, хусусиятлари ва ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омилларини, янги инновацион хизматларни жорий қилиш йўналишлари ва муаммоларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этгани ҳолда ушбу соҳа иқтисодиётнинг етакчи кичик тизими сифатида исталган бир ҳудуд ёки минтақани барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга оид кўплаб нашр қилган асарлар мавжуд бўлишига қарамадан, маҳаллий ва хорижий иқтисодий адабиётларда "хизматлар" концепциясининг аниқ назарий таърифлари мавжуд эмас, замонавий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти иқтисодчилар томонидан турлича фикрлар билан ифодаланади.

Р.Малери хизматлар деб - бу савдо мақсадларида ишлаб чиқарилган номоддий активларни таъкидлайди<sup>7</sup>. Таърифга кўра, номоддий активлар - жисмоний, моддий объектлар бўлмаган, аммо пул қийматига эга бўлган қийматликлардир. Хизматлар - бу жараёндир, қатор ҳаракатлар тўпламидир. Ушбу ҳаракатлар қийматлар яратиш учун восита бўлиши мумкин, яъни улар қиймат яратишлари мумкин, бироқ ўзларининг мустақил қийматига эга эмас. Баъзи ҳатти-ҳаракатлар фақат уларни ишлаб чиқарувчи шахс учун фойда келтирадиган бўлса (масалан, эрталабки бадантарбия), уларни хизматлар қаторига кирмайди.

К.Гренрооснинг фикрига кўра, хизматлар - бу миждозлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар, жисмоний ресурслар ва хизмат кўрсатувчи провайдер корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда юзага келадиган бир қатор ҳис қилинмайдиган ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига оладиган жараёндир. Бу таъриф хизматлар тушунчасини жуда аниқ таърифлайди, бироқ, баъзи бир хизматлар (косметика, сартарош ва ҳ.к.) ҳис қилиниши мумкин<sup>8</sup>.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан И.С.Очилов "Хизмат деганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади"<sup>9</sup>, деб ҳисоблайди. М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлилигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва

---

<sup>7</sup>Глотова А. Внутренний PR: технология успеха / А. Глотова, С. Иванова // Справочник по управлению персоналом. - 2008. - №6. - С. 99

<sup>8</sup> Арасланов, Т.Н. Маркетинг услуг: уточнение некоторых понятий с экономической точки зрения // Маркетинг в России и за рубежом. - 2004. - №2. -С. 46.

<sup>9</sup> И.С.Очилов. "Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари". Монография. "Иқтисод молия", 2008. 37-б.

тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа<sup>10</sup>” деб таърифлаган. Қ.Ж. Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад олиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш – инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият<sup>11</sup>” деб айтиб ўтган.

Фикримизча, хизматларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, *хизмат кўрсатиш* - бу ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - моддий, меҳнат, молиявий, ахборот ва тадбиркорлик кўникмаларидан самарали фойдаланиш натижасида шаклландиган фойдали иқтисодий фаолият натижасидир.

Муаллиф диссертацияда ривожланган давлатларда хизматлар соҳасида кенг қўлланилаётган ДХШ механизмнинг афзалликларини, бозорнинг кенглиги ва ҳажмини, ДХШ механизмларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиб, бюджет инвестицияларини тежаган ҳолда имкон қадар стратегик йирик тармоқларга, улкан иншоотларга замонавий инфратузилмани шакллантиришга ДХШ асосида хусусий инвестицияларни йўналтириш мақсадга мувофиқ деб таъкидлайди.

ДХШнинг энг қадимги тарихий шаклларига ёндашув сотиб олиш механизмидан, масалан, давлатнинг номидан солиқ ва тўловларни йиғиш ҳуқуқини олган пайтдан бошланган<sup>12</sup>. Қадимги Шарқ мамлакатларининг қонунлари ва мутафаккирларининг асарларида ҳам ўша замонга хос бўлган ижара ва лизинг муносабатлари хусусида сўз юритилади. Жумладан, исломнинг асосий манбаи бўлган “Қуръони карим”нинг 293 та ояти бевосита иқтисодий тафаккурга бағишланган ёки “Бақара” сурасининг 188-оятисида, “Нисо”, “Наҳл”, “Сажда”, “Ёсин”, “Анкабут”, “Сод” сураларининг кўпгина оятларида мулк ва мулкий муносабатлар<sup>13</sup>, шариат қонунлари тўғрисидаги “Мухтасар” китобининг 82-85 - бандларида ижара ва унинг турлари, ижарага олиш ва бериш, уни бекор қилиш тартиби, ижарачи шериклар ҳақида<sup>14</sup>, “Ҳадислар”нинг 54-бобида бозор муносабатлари, 56-бобида ҳалол савдо қилиш ҳосияти, 8 та боби бўнак тўғрисида<sup>15</sup>, зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлган “Авесто”да ҳам эзгулик ва иқтисодиёт бирлиги, мулкий ва кредит муносабатлари, яратувчилик тўғрисида сўз юритилади<sup>16</sup>.

Уйғониш даври Ўрта Осиё алломаларидан Форобий<sup>17</sup>, Ибн Сино<sup>18</sup>, Беруний<sup>19</sup>, Юсуф Хос Ҳожиб<sup>20</sup>, Низомулмулк<sup>21</sup>, Амир Темур<sup>22</sup>, Улуғбек<sup>23</sup>,

---

<sup>10</sup> М.М.Муҳаммедов. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала”. “SERVIS”. Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1-сон. 53-б.

<sup>11</sup> Қ.Ж.Мирзаев. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари”. Иқт.фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. Б.49

<sup>12</sup> История экономических учений / Под ред. В. Автономова, О. Ананьина, Н. Макашевой: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С. 38, 122–127, 258.

<sup>13</sup> “Қуръони карим”. Тошкент: 1992.

<sup>14</sup> Мухтасар: (шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т.: Чўлпон, 1994. 180-189 бетлар.

<sup>15</sup> Ҳадислар, 2-жилд. Тошкент., 1997 й.

<sup>16</sup> Авесто. Тошкент: Шарқ, 2001 й., 111-121 бетлар.

<sup>17</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1991, 38-бет.

Навойй<sup>24</sup> ва Бобурларнинг<sup>25</sup> кўпгина асарларида ҳам ислом иқтисодий гоёлари, бевосита мулк ва мулкый муносабатлар, ижара ва примитив бўлсада шу замонга хос бўлган лизинг муносабатлари ёритиб ўтилган.

ДХШнинг яна бир тарихий шакли каперликдир (голл. "капен" – эгаллаб олиш), XVIII-XIX-асрларда Европада кенг тарқалган бўлиб, унда давлат ва хусусий шериклар кемаларни сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қилишган<sup>26</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ДХШнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари кейинги йилларда мукаммаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Республикамизда ДХШнинг бош ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат хусусий-шериклик тўғрисида"ги Қонуни<sup>27</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори<sup>28</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мақтабгача таълим соҳасида ДХШни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "ДХШ асосида марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси ташкил этиш тўғрисида"ги, "Мақтабгача таълим соҳасида ДХШ шакллари янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Соғлиқни сақлаш соҳасида ДХШни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари ижтимоий-иқтисодий соҳада ДХШ муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади.

ДХШ механизми асосида мактаб ва мактабгача таълим ташкилот (МТТ) тизимини, шу жумладан, мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, МТТлар тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг МТТга янада кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим соҳасида давлат хусусий шерикчилигининг кўйидаги шароитлар яратиш мақсадида нодавлат МТТларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер майдонларини, мавжуд давлат МТТларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан нодавлат МТТлари объектларини қуриш учун бепул асосда ер майдонларини тақдим

<sup>18</sup> Қ.Йўлдошев. Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари. – Андижоннома, 1998, 3 ноябр.

<sup>19</sup> Беруний. Сборник статей к 1000 летию со дня рождения. Т.ФАН, 1973, 121-130 с.

<sup>20</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. Т.: 1991, 63-86 бетлар.

<sup>21</sup> Низом ул-Мулк. Сиёсатнома. Т., 1997.

<sup>22</sup> Амир Темур. Темур тузуклари. 67-98 бетлар.

<sup>23</sup> Қ.Йўлдошев, Қ.Муфтайдинов, В.Абдурахмонов. Улуғбек. Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2006, 70-бет.

<sup>24</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент., 1993.

<sup>25</sup> З.М.Бобур. Бобурнома. Тошкент., 1989 й.

<sup>26</sup> Каперство. URL: <http://dic.academich.ru/dic.nsf/sie/7456/>

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонуни. 2019 йил 10 май. ЎзРҚ-537-сон.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сон "Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори// lex.uz

этиш йўлга қўйилди. Шунингдек, концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш, бўш ётган давлат мулки объектларини, шу жумладан фаолият кўрсатмаётган давлат МТТларининг биноларини “ноль” харид қийматида сотиш, тўлиқ бутланмай қолган давлат МТТларининг фойдаланилмаётган хоналари ёки корпусларини узоқ муддатли бепул мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга топшириш, хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган нодавлат, оилавий МТТларини моддий-техник, молиявий, методик таъминлаш, оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш тартиби жорий этилди.

ДХШ механизмининг МТТдаги афзалликларидан бири хусусий шерик зиммасига бир қатор инвестиция мажбуриятлари юкланиши мумкин:

ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ва махсус контингентдан муайян миқдордаги тарбияланувчиларни ўқитиш, улар учун ота-оналар тўловининг имтиёзли миқдорларини (мазкур жойдаги давлат МТТлари учун белгиланганидан ошмайдиган миқдорларда) белгилаб қўйиш. Бунда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари устувор равишда ўқишга қабул қилиш;

хусусий шерикка бириктирилган давлат МТТларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги ишларни амалга ошириш;

ДХШ тўғрисидаги битимда назарда тутиладиган бошқа мажбуриятларни бажариш.

ДХШ тўғрисидаги битимлар амал қилиш муддатлари шерикчилик механизмининг шаклига қараб 1 йилдан 30 йилгача давом қилади.

МТТда ДХШни ривожлантириш янги босқичга олиб чиққан асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22-ноябрдаги 944-сонли “Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бўлиб, унга кўра мақтабгача таълим соҳасида ДХШ муносабатларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, мақтабгача таълим соҳасида ДХШнинг хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат МТМни ташкил этиш шаклини жорий этилди.

МТТларида ДХШнинг асосий тамойиллари умумий ДХШ тамойилларига ўхшаш бўлиб, давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги, ДХШни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги, хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва ҳолислик, камситишга ва коррупцияга йўл қўймасликни назарда тутди.

Тадқиқотнинг “**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳолати ва соҳада ДХШ механизмларини баҳолаш**” деб аталган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг ривожланиши баҳоланган, хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини баҳолаш усуллари, ДХШ



механизмида хатарлар ва ташкилий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари асосланган.

Диссертацияда таъкидланишича, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили ва иқтисодиётнинг драйвери сифатида хизматлар соҳаси тобора муҳим ўрин эгаллагани ҳолда савдо, умумий овқатланиш, аҳоли бандлиги ва ЯИМни ўсишини таъминлашдиган муҳим омил бўлмоқда<sup>29</sup>.

Кейинги йилларда хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улуши ошиб борди, Хусусан 1980-2019 йилларда ЯИМдаги хизматлар улуши барча даромад даражасига эга бўлган давлатларда, шу жумладан ривожланган мамлакатларда 61 фоиздан 76 фоизгача, ривожланаётган мамлакатларда эса 42 фоиздан 55 фоизгача ўсди<sup>30</sup>.

Таҳлилларга кўра, юқори турмуш даражасига эга ва ривожланган давлатларда хизматларнинг ЯИМдаги улуши юқори кўрсаткичларни ташкил қилади. Жумладан, 2017 йилда дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳисобланган АҚШ ЯИМда хизматларнинг улуши 76,7 фоизни, Швецарияда 71,5 фоизни, Буюк Британияда 70,6 фоизни, Нидерландияда 70,3 фоизни, Японияда 68,8 фоизни ташкил қилганлигини кўриш мумкин<sup>31</sup>.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши бошқа соҳаларга нисбатан юқори бўлишига қарамасдан жаҳон ҳамжамияти кўрсаткичлари билан солиштирганда анча пастлигича қолмоқда. Чунки, 2019 йилда жаҳон иқтисодиётида хизматларнинг улуши 55 фоизни, Ўзбекистонда эса 35,5 фоизни ташкил этган<sup>32</sup>.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси ривождаги асосий муаммолардан бири ҳудудлар ва соҳалар кесимида фарқнинг юқорилиги ҳисобланади. Энг юқори ва паст ривожланган ҳудудда аҳоли жон бошига ва умумий хизматлар номуносивлиги 4,4-5 мартани ташки қилади. Шунингдек, кўрсатилган хизматлар ҳажми 2019 йилда 2010 йилга нисбатан транспорт хизматлари соҳасида - 5,2 марта, ахборот ва алоқа, молиявий хизматлар соҳасида - 12,9 марта, савдо соҳасида - 7,4 марта, таълимда - 9,4 марта ва соғлиқни сақлаш соҳасида - 12 марта ошиши ҳолати кузатилган.

Тадқиқотларимизга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётни шакллантиришдаги роли ошиб, саноат тармоқлари билан ўзаро яқинлашуви, уйғунлашуви кузатилмоқда. Жумладан, инвестиция фондлари ва компаниялар фаолияти, риэлторлик хизматлари (кўчмас мулк излаш, топиш, сотиш, рекламаси ва ҳ.к.), маркетинг (хизматларни жойлаштириш, реклама, сотиш, суғурталаш ва ҳ.к.), менежмент (ишончли бошқарув, ташқи бошқарув ва ҳ.к.) хизматлари, меҳмонхона ва ресторан бизнеси (жойлаштириш, ташиш, кутиб олиш ва кузатиш, сувенирлар, овқатлантириш ва ҳ.к. 100 дан ортиқ),

---

<sup>29</sup> The role of the services economy and trade in structural transformation and inclusive development, United Nations Conference on Trade and Development, Multi-year Expert Meeting on Trade, Services and Development, Fifth session, Geneva, 18–20 July 2017

<sup>30</sup> Ўша жойда

<sup>31</sup> <http://wdi.worldbank.org/table/4.2>

<sup>32</sup> <https://www.spot.uz/ru/2020/05/25/crisis/>

биноларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, инновацион компаниялар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган хизматлар турлари киради. Шунингдек, бизнинг таҳлилларимизга кўра, ҳудудлар иқтисодиётидаги "ўсиш секторлари ва нуқталари", айниқса, хизматлар соҳасини ривожлантириш салоҳияти, янги механизмлари тўлақонли ўрганилмаган ва иқтисодий-статистик жиҳатдан етарлича баҳоланмаган. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан МТТни самарали ривожлантириш учун чет элларда ва республикада кўпгина соҳаларда кенг қўлланилаётган давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) механизмини ривожлантириш бўйича аниқ сиёсат зарур.



**1-расм. ДХШ асосидаги МТМларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми**

1-расмга кўра, ДХШнинг нафақат МТМ, балки барча хизматлар соҳаси учун меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш, уни бошқариш тузилмаларини шакллантириш, ДХШ бўйича стандартларни ишлаб чиқиш ва тартиб таомилларни, унинг ахборот таъминоти, тартибга солиш шакл, усул

ва воситаларини, ДХШ асосидаги МТМларда корпоратив маданиятни шакллантириш ташкилий механизми ифодалайди. Ўз навбатида ДХШ ривожланиши ўзига хос инфратузилмани, инвестициялар жалб қилишни, турли баҳо ва кредит сиёсатини тақозо этгани ҳолда, унинг солиққа тортиш ва молиялаштириш жараёнлари, мавжуд барча шакллари барқарор ва мутаносиб ривожлантириш масалалари унинг иқтисодий механизми унсурлари саналади.

*Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ДХШ* бу давлатнинг сифатли хизматларидан фойдаланишни истаган таълим, маданият, спорт, туризм ва бошқа соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, фойда олиш учун тузилган давлат ва хусусий сектор ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир.

ДХШ механизми барча соҳаларда *биринчидан*, давлат ва бизнеснинг стратегик манфаатларини мувофиқлаштириш; *иккинчидан*, мақсадларни аниқ белгилаш; *учинчидан*, аниқ лойиҳаларни амалга оширишнинг шаффоф тартибини қонуний мустаҳкамлаш; *тўртинчидан*, лойиҳалар ва улар иштирокчиларининг махсус мақомини белгилаш; *бешинчидан*, бизнесга ижтимоий ваколатларни бериш; *олтинчидан*, давлат ва бизнеснинг жорий манфаатларига эътибор қаратиш; *еттинчидан*, тизим барқарорлик ва шериклик манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Инфратузилмани ривожлантириш масалалари шу кунгача анъанавий равишда давлат томонидан молиялаштирилиб келинган ва яқин вақтгача республикамизда инфратузилма ривожланишини молиялаштиришда хусусий сектор иштироки учун меъёрий-ҳуқуқий, қонунчилик асос йўқ эди. Бироқ, кейинги 5 йилда кенг равишда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳалар (*таълим, ичимлик суви, соғлиқни сақлаш*) ва аралаш тузилмаларни молиялаштиришнинг турли моделлари пайдо бўлди.

ДХШ ресурслардан инновацион ва жамоавий синергетик равишда фойдаланишга, шунингдек, бошқарув ноу-хауларини қўллашда эришишга имкон беради. Ушбу механизм бугунги кунда тўпланиб қолган давлат секторидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг универсал воситаси эмас, аксинча, бу ижтимоий муаммоларни ҳал этишни тезлаштириш воситасидир.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикасининг хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида ДХШни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳудудда таълим хизматлари соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш истиқболлари ва асосий йўналишлари асосланади.

Тадқиқотда ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, 2010-2020 йиллар давомида республикамиздаги каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини мунтазам ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Қорақалпоғистонда 2020 йилда 2010 йилга нисбатан транспорт хизматлари – 4,4 марта, ахборот ва алоқа – 6,7 марта, савдо – 5,2

марта, таълимда – 5,8, молияда – 14,7 марта ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 7,9 мартага ошган.

Бундан ташқари 2010 йилда Мўйноқ тумани 4,8 млрд.сўм (яъни республика бўйича кўрсатилган жами бозор хизматлари ҳажмидаги улуши 0,7%) кўрсаткич билан энг паст натижани, Нукус шаҳри – 384,6 млрд.сўм (57,3%), Қўнғирот – 53,8 млрд.сўм (8,0%), Хўжайли – 32,3 млрд.сўм (4,8%) кўрсаткичлари билан энг юқори натижани қайд этишган бўлса, 2020 йилда деярли шу тенденция такрорланиб Нукус шаҳри – 2 451,3 млрд.сўм (62%), Қўнғирот – 460,2 млрд.сўм (11,6%), Тўрткўл – 164,8 млрд.сўм (4,2%) туманлари энг юқори ўринларни банд этишган. Шунингдек, Қўнғирот, Нукус шаҳри, Тўрткўл ҳамда Хўжайли туманларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2020 йилда 2010 йилга нисбатан мос равишда 8,6, 6,4, 5,2, 4,3 марта ошганини кўришимиз мумкин.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми 2010 йилда 405,1 минг сўмни ташкил этган бўлса 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 2 077,4 минг сўм, яъни ушбу давр мобайнида Қорақалпоғистон бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,1 мартага ошган.


Таҳлилларимизга кўра, 2006-2019 йиллар оралиғида Қорақалпоғистон Республикаси хизматлар соҳаси ЯХМда энг асосий улушни Нукус шаҳри 46,6-59,9 фоиз билан эгаллайди, яъни республикадаги умумий хизматларнинг 2/3 қисми, ёки қарийб 60 фоизи айнан маъмурий марказ бўлган Нукус шаҳри улушига тўғри келади. Қўнғирот тумани улуши 11,4 фоизни, Тўрткўл ва Хўжайли туманлари улуши эса мос равишда 4,5 ва 4,4 фоизларга тенг.

Қорақалпоғистонда хизматлар соҳасини ҳудудлар кесимида номуносивлик ва беқарорлик албатта аҳоли турмуш даражасига таъсир қилади ва уни нақадар юқори ёки паст эканлигидан далолат беради. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришга табақалашган ҳолда ёндошувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, республикамиздаги каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилот (МТТ) ларини давлат томонидан бошқаришнинг самарали тизими яратилиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил қилинди.

Аmmo, ўтказилган таҳлилларга кўра, МТТларини куриш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатли давлат органларининг фаолияти айниқса жойларда ҳамон паст даражада эканлиги ҳамда давлат МТТлари инфратузилмаси ва моддий-техника базасининг ҳолати замон талабларига тўлиқ даражада мос келмаслиги ва мамлакат аҳолисининг ўсиб боришини эътиборга олганда болаларнинг мактабгача таълим билан зарур даражада қамраб олинишини таъминлаш имконини бермаяпти. Шу сабабли,

республикамиз ҳукумати, шахсан Президент томонидан 2030 йилгача бўлган даврда болаларни МТТларга қамрови даражасини 80 фоизгача ошириш, умумий қамровда ДХШ асосидаги МТТларнинг улуши 75 фоизга ошириш устувор вазифа қилиб белгиланди.



**2-расм. Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат МТТ шаклини ДХШ асосида ташкил этишнинг такомиллашган тартиби<sup>33</sup>**

Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат МТТни ташкил этиш шаклидаги ДХШни амалга ошириш тартиби соддалаштирилди. ДХШ асосида МТТни ташкил қилишда хусусий шерикнинг ташаббуси билан

<sup>33</sup> Муаллиф томонидан такомиллаштирилган

тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш асосида танлов ўтказилмасдан тўғридан тўғри музокаралар олиб бориш орқали амалга ошириш тартиб жорий қилинди.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган такомиллашган вариантда хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат МТТ шаклини ДХШ асосида ташкил этиш тартибида схемага 3-4-босқичларда лойиҳани молиялаштирувчи тижорат банкини ҳам қўшиш тавсия этилади (2-расм).

1-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида ДХШ механизми асосида МТТлар ривожини ранглар бўйича аниқланган интеграл кўрсаткичи<sup>34</sup>**

№	Худудлар номи	Умумий МТТлар сони	камров %	Давлат МТТлар сони	ДХШ механизми асосида МТТлар сони	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн.сўм)	Умумий камров қуввагидаги улуши, %	Интеграл кўрсаткич
1	Нукус шаҳри	3	3	1	4	1	2	14
2	Амударё	2	10	2	2	12	12	40
3	Беруний	1	14	3	1	11	3	33
4	Қонликўл	14	7	12	14	10	9	66
5	Қораўзак	16	11	12	16	15	14	84
6	Кегейли	10	16	12	8	8	10	64
7	Кўнгирот	5	4	4	5	2	1	21
8	Муйноқ	12	1	10	13	13	13	62
9	Нукус т.	11	6	12	10	5	7	51
10	Тахиатош	9	5	9	9	6	8	46
11	Тахтақўпир	15	2	10	15	16	16	74
12	Тўртқўл	6	9	5	7	7	4	38
13	Хўжайли	7	12	8	6	3	6	42
14	Чимбой	8	13	5	11	9	10	56
15	Шуманай	12	8	16	11	14	14	75
16	Элликқалъа	4	15	7	3	4	5	38
17	Бўзатов	17	17	17	17	16	16	100

Чунки, айнан тижорат банки лойиҳа ҳужжатларини тўлақонли ўрганмаса ва жараёни мониторинг қилиб бормаса МТВ вакиллари ҳудудлардаги аҳволни тўлиқ билмайди ва жойлардаги мактабгача таълим ҳудудий бошқармалари тижорат банкларидегидек лойиҳа ичи ҳужжатларини, молиялаштириш амалга оширилишини назорат қилолмайди. Тижорат банкларининг мазкур босқичларга қўшилиши лойиҳани ишга тушмаслик хавфини, молиявий имконияти йўқ, фақат арзон кредит олиб ўз манфати йўлида маблағларни ишлатиб, қолган пулга сифати яхши бўлмаган МТТ

<sup>34</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари



қуриш илинжидаги ташаббускорларга тушиб қолмаслигини максимал даражада камайтиради.

2020 йил 30 январдаги ПҚ-4581-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мақтабгача таълим соҳасида ДХШни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мақтабгача таълим тизимида ДХШ механизмини янада кенгроқ жорий қилишга, мақтабгача таълим хизматлари самарадорлигини ошишига, болаларни МТТларга камрови улушларини ўсишига хизмат қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида ДХШ механизми асосида мақтабгача таълим ташкилотлари ривожланганлигини таҳлил қилиб, айнан ДХШ бўйича ҳудудларнинг МТТ хизматлари даражаси олтига кўрсаткичи бўйича ранглари хисоблайди: умумий МТТлар сони, камрови даражаси, давлат МТТлари сони, ДХШ асосидаги МТТлар сони, ДХШ лойиҳаларининг қиймати, умумий камровдаги улуши (1-жадвал).

Юқоридаги ранглар бўйича аниқланган интеграл кўрсаткичлар асосида ҳудудларда МТТ ривожланганлик даражалари аниқланган бўлиб биз уларни тенг гуруҳлар асосида тўртта гуруҳга ажратамиз. Яъни қуйидаги формула асосида гуруҳлар оралигини аниқлаймиз.

$$\text{интервал} = \frac{X_{\max} - X_{\min}}{\text{гуруҳлар}_\text{сони}} = \frac{100 - 14}{4} = 21.5$$

Аниқланган мезонлар бўйича гуруҳлаш натижаларига кўра жами 17 та ҳудуднинг 7 таси иккинчи, 5 таси учунчи гуруҳга, қолган қолган 5 таси эса биринчи ва тўртинчи гуруҳларга тўғри келмоқда. Ҳудудда ДХШ механизми асосида МТТларини ривожлантириш даражасини нисбий кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган таҳлилларимиз айнан ўрта даражадаги ривожланишга эга ҳудудлар сони юқори эканлигини кўрсатмоқда (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ҳудудларда МТТларни ривожланишини интеграл кўрсаткич бўйича гуруҳланиши

Гуруҳлар	мезон	Ҳудудлар номи
Биринчи гуруҳ	14-35,5	Нукус шаҳри, Беруний, Қўнғирот
Иккинчи гуруҳ	36-57	Амударё, Нукус тумани, Тахиатош, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Эллиққалъа
Учинчи гуруҳ	57,5-78,5	Қонлиқўл, Кегейли, Мўйноқ, Тахтақўпир, Шуманай
Тўртинчи гуруҳ	78,5-100	Қораўзак, Бўзатов

Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки Қорақалпоғистон Республикасида ДХШ асосида МТТларни ривожлантириш ҳолатини қониқарли деб баҳолаш мумкин. Аммо, яқин келажакда Бўзатов ва Қораўзак туманларида ДХШ механизми асосида мақбул шаклда МТТларни

кўпайтириб, нодавлат секторга қамров даражасини ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Илмий тадқиқот ишида мамлакатимизда ДХШ асосида хизматлар соҳасини ривожланишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини статистик кўрсаткичлар асосида баҳолаб ўтилди.

ДХШни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) бўйича “давлат хусусий шериклик” бирикмаси бўйича қидирувни амалга оширдик.

Қидирув натижаларига кўра жами 419 та ҳужжат топилди шундан 407 таси 2007 йилда то бугунги кунгача бўлган даврга тўғри келади. 2007-2019 йиллар мобайнида ДХШ билан боғлиқ жами 303 та ҳужжат қабул қилинган ҳолда уларнинг 268 таси айнан 2017-2019 йиллар оралиғида қабул қилинган.

Келтирилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда Қорақалпоғистон республикасида ДХШ механизми асосида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш натижаларини корреляцион-регрессион таҳлил асосида баҳоланди.

3-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар ҳажми динамикаси ва ДХШ механизмларини такомиллаштириш натижалари<sup>35</sup>**

Йиллар	Жами хизматлар ҳажми (млрд. сўм)	Аҳоли жон бошига бозор хизматлари, минг сўм	Тренд	“ДХШ” сўзи бўйича қидирув натижалари
2007	235.8	148.4	1.0	1
2008	298.3	185.8	2.0	1
2009	321.9	198.2	3.0	2
2010	374.0	225.8	4.0	4
2011	448.0	265.7	5.0	2
2012	490.6	288.3	6.0	6
2013	563.2	326.8	7.0	7
2014	673.6	385.2	8.0	5
2015	798.2	449.4	9.0	2
2016	903.6	501.0	10.0	5
2017	978.2	534.8	11.0	17
2018	1107.3	596.8	12.0	112
2019	1249.0	663.1	13.0	139

Дастлаб кўрсатилган жами хизматлар ҳажмига ДХШ механизми асосида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий- иктисодий механизмини такомиллаштириш натижалари таъсирини баҳолаб ўтамиз.

Таҳлили натижаларига кўра қуйидаги тенгламага эга бўлдик.

<sup>35</sup> Муаллиф ишланмаси

$$S_t = 102.7 + 74.1 * t + 1.2 * r$$

$$se = (30.6) \quad (4.7) \quad (0.4) \quad t = (3.4) \quad (15.6) \quad (3.0) \quad R^2 = 0.99$$

Бу ерда:  $S_t$  – минтақада кўрсатилган жами хизматлар ҳажми, таққослама нархларда 2007 йил базис йил сифатида қабул қилинган (млрд.сўм);  $t$  – тренд яъни  $t=1,2,\dots,n$ ;  $r$  - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) бўйича қидирув натижалари.

Олинган натижаларга кўра регрессион таҳлил асосида аниқланган барча коэффицентлар Стьюдент мезони бўйича адекват, шу билан бирга детерминация коэффиценти ҳам 0.99 га тенг бўлиб, натижавий омил ўзгаришига танланган омиллар таъсири юқорилигини асосламоқда. Демак, мамлакатимизда ДХШ механизмларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ҳар қандай ҳужжат минтақада кўрсатилган жами хизматлар ҳажмини 1.2 млрд.сўмга оширишига хизмат қилиши аниқланди.

Худди юқоридаги таҳлил аҳоли жон бошига бозор хизматлари миқдори натижавий омил сифатида олинган ҳолда ҳам амалга оширилган бўлиб, ДХШ бўйича ҳуқуқий базани кенгайтиришни нафақат хизматлар соҳасини миқдор балки сифат кўрсаткичларига ҳам таъсирини баҳолаш мақсад қилинган. Таҳлил натижаларига кўра қуйидаги тенглама аниқланди.

$$S_{per} = 83.3 + 38.9 * t + 0.48 * r$$

$$se = (14.6) \quad (2.3) \quad (0.19) \quad t = (5.7) \quad (17.2) \quad (2.5) \quad R^2 = 0.99$$

Бу ерда:  $S_{per}$  – минтақада аҳоли жон бошига бозор хизматлари ҳажми, таққослама нархларда 2007 йил базис йил сифатида қабул қилинган (минг.сўм);

Натижалар, мамлакатда ДХШ билан боғлиқ ҳужжатларни такомиллаштирилиши аҳоли жон бошига бозор хизматлари ҳажмига ҳам таъсири мавжуд эканлигини асосламоқда. Яъни ҳужжатлар сонини бир бирликка оширилиши аҳоли жон бошига бозор хизматлари ҳажмини 0.48 минг сўмга ошишини таъминлаши аниқланди.

ДХШ механизми асосида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий иктисодий механизмини такомиллаштиришдаги муҳим йўналишлардан бири бу молиявий дастаклардан фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора тадбирлар натижаларини ҳам аниқ қийматликлар асосида баҳолаб ўтиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Даставвал ДХШ асосида ташкил қилинган мактабгача таълим муассасалари сонини, улардаги болаларнинг жами қамров даражасидаги улушига таъсирини қараб чиқамиз. Таҳлил натижаларига кўра қуйидаги регрессион тенгламага эга бўлинди.

$$SH_{ch} = 2.8 + 0.51 * K_n \quad se = (1.3) \quad (0.24)$$

$$t = (2.5) \quad (2.1) \quad R^2 = 0.22$$

Бу ерда:  $SH_{ch}$  – МТМ томонидан қамраб олинган балаларда ДХШ асосида ташкил қилинган МТМлари улуши (фоизда);  $K_n$  – ДХШ асосида ташкил қилинган МТМ сони;

Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари кесимидаги маълумотлардан фойдаланилган ва детерминация коэффициентни анча кичик қийматга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Чунки, бу каби маълумотлар асосида регрессион таҳлил амалга оширилганида детерминация коэффициентини паст қийматга эга бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

ДХШ асосидаги МТТлари сонини оширилиши уларнинг қамровдаги улушига 0.51 фоизга кўтарилишини таъминлайди. Шу ўринда кузатув натижаларига тўхталадиган бўлсак, ҳудудлар кесимида ДХШ асосида ташкил қилинган ҳар бир МТТга тўғри келадиган лойиҳалар қиймати билан уларнинг қамровдаги улуши орасида ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди. Яъни

$$SH_{ch} = PV^{0.7} \quad se = (0.07) \quad t = (9.27) \quad R^2 = 0.22$$

*Бу ерда:  $SH_{ch}$  – МТМ томонидан қамраб олинган балаларда ДХШ асосида ташкил қилинган МТМлари улуши (фоизда);  $PV$  – ДХШ асосида ташкил қилинган ҳар бир МТМга тўғри келадиган лойиҳалар қиймати (млн);*

Юқорида келтирилган модел натижаларига кўра, ДХШ асосида ташкил қилинган МТТга сарфланаган молиявий сарфларнинг ошиши билан уларнинг умумий қамровдаги улушини ошиши орасида юқори мусбат боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди. Демак, мактабгача таълим хизматлари кўрсатиш борасида МТТ ларни ДХШ механизми асосида ташкил қилиш энг мақбул усул эканлиги кўришимиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва халқ таълими тизимида ҳам ДХШ механизми асосида тозаланган ичимлик суви билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш истикболли ҳисобланади. Чунки, Қорақалпоғистонда бугунги кунда 726 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг 297 таси ёки 41 фоизи марказлашган сув билан таъминланган. Қолган 429 таси ёки 59 фоизи муқобил манбалардан, хусусан, артезиан қудуқлар орқали сув билан таъминланган. Ҳудди шунингдек ҳолат МТТларда ҳам қарийб 60 фоизни ташкил қилади. Ўз-ўзидан шу МТТ, мактаб жойлашган маҳалла ёки овул фуқаролар йиғини аҳоли ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланмаган.

Қорақалпоғистон бўйича умумтаълим мактабларининг энг кўп улуши, яъни 12 фоизи – Амударё тумани, 10 фоиздан – Беруний ва Эллиққалъа туманлари улушига, 9 фоизи– Тўрткўл туманига тўғри келади. Мактабларнинг энг кам улуши, яъни 2 фоизи – Бўзатов туманига тўғри келади. Бу албатта аҳоли сони ва таркиби, туман ёки шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунингдек, бу ҳудудларда умумтаълим мактабларини марказлашган ичимлик сув (водопровод) билан таъминланганлик даражаси Амударё туманида – 21 фоизни, Беруний – 14 фоизни, Эллиққалъа – 15 фоизни, Тўрткўл – 37 фоизни, Бўзатов – 13 фоизга тенг бўлса, муқобил манбалар билан (артезиан) таъминланганлик эса мос

равишда 79 фоиз, 86 фоиз, 85 фоиз, 63 фоиз, 87 фоиз кўрсаткични ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасидан (41 фоиз) юқори бўлган 9 та шаҳар ва туманни (*Нукус ш., Қонликўл, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Тахياتош, Хўжайли, Шуманай*) кўриш мумкин. Шунингдек, республика бўйича мукобил манбалардан (артезиан) таъминланганлик 59 фоиз кўрсаткични ҳосил қилган ва ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган республика миқёсида 8 та туман (*Амударё, Беруний, Бўзатов, Қораўзак, Кегайли, Тўрткўл, Чимбой, Эллиққалъа*) мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Бу эса албатта ушбу ҳудудларда ўз навбатида сийдик-тош, буйрак-тош касалликлари, овқат ҳазм қилиш тракти аъзолари, ўт, жигар ошқозон, ўн икки бармоқли ичак касалликларининг кўпайишига олиб келади. Шу сабабли, муаллиф диссертацияда ДХШ асосида Қорақалпоғистонда МТТ ва мактабларда сув тозаловчи иншоотларни куриш лойиҳасини амалга ошириш орқали ўқувчи, тарбияланувчи ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини 3 вариантли баҳо диапазонида асослаб беради.

Муаллиф ҳисоб китобларига кўра, 3 та вариантда ҳам курилиш ва лойиҳани ишлатиш ҳаражатлари ўртача 111,8 млн сўмни ташкил қилгани ҳолда, 1- вариантда 1 литр сувнин баҳоси 36 сўмдан қўйилганда 18 ойда, 2- вариантда 80 сўм бўлганда 6 ойда ҳамда 3-вариантда 100 сўм бўлганда 5 ойда ДХШ механизми асосидаги ижтимоий лойиҳаси ўзини оқлаши асосланади.

Шу сабабли, истиқболда ушбу ҳудудлардаги мактабларда ва МТТларда ДХШ механизми асосида сув тозаловчи филтёрлар ўрнатиб кичик бинолар куриб бериш, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиб, турмуш фаровонлигини ошишига, ҳар бир мактабда камида 1 нафардан, умумий ҳисобда 429 та ва МТТлар билан бирга жами 1000 га яқин кишининг банд бўлишига олиб келади.

Муаллиф фикрича, ДХШ механизми асосида Қорақалпоғистонда туристик хизматларни ривожлантириш учун катта ресурс салоҳияти мавжуд.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 63 та жойлаштириш воситалари (*шундан 32 та меҳмонхона, 4 та хостел, 4 та ўтов лагерлари, 23 та меҳмон уйи, улардаги жами хоналар сони 695 та ҳамда ўринлар сони 1460 та*), 34 та туроператорлик субъектлари, 288 маданий мерос ва зиёрат объектлари мавжуд. Шулардан, 131 та археологик, 24 та архитектура, 88 та монументал объектлар ва 45 та диққатга сазовор жойлар туристик объектлар сифатида эътироф қилинган. Шунингдек, 11 та санаторий ва 1 та музейлар мавжуд<sup>36</sup>.

Қорақалпоғистонда туризми соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кириш ва ички туризмни ривожлантиришдан иборат бўлиши керак. Бироқ, бугунги кунда Қорақалпоғистонда мавжуд туристик салоҳиятдан етарлича фойдаланилмапти. Хусусан, Эллиққалъа, Қўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Амударё туманларида, кейинги 2 йилда таниб билмас

---

<sup>36</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси ҳамда туризмни ривожлантириш бошқармаси маълумотлари

даражада ўзгарган Мўйноқ шаҳрида туризмни ривожлантириш учун мавжуд катта салоҳиятдан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Муаллиф фикрича, Қорақалпоғистонда тиббий туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун олдин фаолият кўрсатган кўпгина санаторияларни маркетинг қилиб, улар фаолиятини тиклаш ёки мавжудларини кучайтириш учун асосли бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиб ДХШ асосида тадбиркорларга бериш ёки Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг Курортлар бошқармаси маблалари ва маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан маблағларни йўналтириш керак.

Фикримизча, Қорақалпоғистонда кўшни Хоразм вилояти билан ҳам минтақавий ички туризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, истиқболда мазкур йўналишлар бўйича ресурс салоҳияти кўрсаткичларини баҳолаган ҳолда қуйидаги туристик йўналишларни шакллантириш мумкин<sup>37</sup>:

- “Хива-Урганч – Беруний- Тўрткўл -Элликқалъа” йўналишида маданий-танишув, рекреацион туризм;

- “Хива-Урганч-Қўнғирот – Мўйноқ” фаол ва саргузашт туризм йўналишларини йўлга қўйиш учун инфратузилмани ривожлантириш зарур.

Бизнинг фикримизча, ДХШ механизми асосида туристик хизматларни ривожлантириш бўйича туманлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва унинг маблағлари нафақат инфратузилмани ривожлантиришга, балки минтақанинг туристик имкониятларининг ошишига, туманлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг кучайишига, ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш даражасининг ўсишига олиб келади.

## ХУЛОСА

Қорақалпоғистон Республикаси хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ механизмини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ўтказган тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Бугунги кунда дунё турли хил хизматлар, шу жумладан, юқори технологияли ва интеллектуал хизматлар ҳажми доимий равишда кенгайиб бораётган бир пайтда, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг янги механизмларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш зарурати туғилмоқда

2. Дунёда кечаётган глобаллашув ва кескин рақобатчилик шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштиришнинг самарали механизми - давлат-хусусий шерикчилиги ҳисобланади. Шунингдек, ДХШ шартномалари кўшимча битимлар тузишни назарда тутгани ҳолда бюджет ҳисобининг аниқ талаблари мавжудлиги, шерикларнинг турлича ҳуқуқий ҳолати, ДХШ лойиҳаси бўйича давлатнинг қарор қабул қилиш имкониятларининг

---

<sup>37</sup> Алымов А.К. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа докторлиги (PhD) диссертацияси. Самарқанд. СамИСИ. 2018.



чекланганлиги, ҳукумат соҳасидаги турли хил меъёр ва қоидалар, буюртмалар ва харидларга боғлиқ.

3. Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва омилларни ўрганиш ДХШ механизмини нафақат транспорт, йўл, АКТ, балки ижтимоий соҳа хизматларига ҳам жорий этиш зарурлигини кўрсатди. Бу эса катта молиявий маблағлар талаб қилувчи мураккаб ишни, аҳоли бандлиги ва даромадларини, хизматлар сифатини оширишга, бюджет харажатларини тежашга имкон беради.

Биз тадқиқот давомида амалга оширган таҳлилларимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача ва ўрта умумтаълим хизматлари соҳасида ДХШ механизмини ривожлантириш ва самарадорлигини янада оширишга имкон берувчи қуйидаги тавсия ва таклифларни билдирамыз.

1. Фикримизча, Ўзбекистонда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ДХШ асосидаги битимлар тузиш жараёнида хусусий шерикни танлашда ташаббускорларнинг тадбиркорлик иштиёқи билан бирга уларнинг салоҳияти ва тўлов қобилияти, кўп йиллик тажрибаси, маҳалласидаги обрў-эътибори каби жиҳатлариниям эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ДХШ асосида МТМларни ташкил этишда айнан тижорат банклари иштирокини кўзда тутувчи биз таклиф этган такомиллашган тартибга амал қилиш лозим.

2. ДХШ асосидаги қурилиш ишларини тартибга солишда лойиҳани амалга оширилиш учун алоҳида Низом ишлаб чиқилиши, бунда қурилиш ишларининг молиялаштирилишидан тортиб якуний маблағларнинг ажратилишигача бўлган жараёни аниқ белгилаб берилишини таъминлаш. Ушбу Низом ташаббускор ва банк ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларни тартибга солишда, шунингдек лойиҳаларнинг қисқа муддатда ишга тушишини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикасида ДХШ асосидаги битимларни тузишда қурилиш ва битимнинг амал қилиш муддати даврида инвестиция объектларини коммуникация, электро энергия ва табиий газга уланишида, шунингдек, инвестиция объектини ишга туширилгандан кейин улардан фойдаланиш даврида ҳам турли имтиёз ва преференциялар бериш лозим.

4. Фикримизча, ҳудудларда яқин 2-3 йилда ДХШнинг институционал бирламчи инфратузилмаси сифатида ДХШ ҳудудий марказларини ташкил этиш керак. Ушбу марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳудудий даражада ДХШни стратегик режалаштириш, меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, барча шакллардаги ДХШ лойиҳаларини экспертиза ва мониторинг этиш, айрим лойиҳаларни бажаришда давлат номидан иштирок қилиш, хусусий инвесторларни топиш учун танловлар ўтказиш, ДХШ ривожланишини ахборот, услубий таъминоти кабилар бўлиши керак.

5. Республикамызда олис ҳудудларда, хусусан, Қорақалпоғистонда ДХШ механизми асосида мактабгача таълим хизматлари кўрсатувчи МТМлар улушини янада ошириш мақсадида кредит фоизини дастлабки шартларда, яъни йиллик 1 фоиздан қўйиш керак, чунки кейинги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кредит фоизларини МТМ қуриладиган жойидан келиб чиққан ҳолда

5 фоиздан 8 ва 12 фоизгача оширилгани ДХШ механизмининг жозибадорлигини пасайтиргани ҳолда ташаббускорларда кредитларни тўлолмаслик хатари пайдо бўлди, чунки фоиз харажатлари дастлабки ишлаб чиққан бизнес-режаларидагидан камида 5 баробарга ошиб кетиб, уларнинг ДХШ асосида МТМ куриш иштиёқини пасайтирди.

6. Мактабгача таълим хизматлари соҳасидаги ДХШ лойиҳаларининг узок муддатли даврда давлатнинг ижтимоий соҳадаги юкламаларини пасайтиришдаги ўрни, ташаббускорлар манфаатдорлигини ошириш, банк олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши ва энг муҳими бюджет маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун нодавлат МТМларидаги ҳар бир болага ажратиладиган субсидия миқдорини озик-овқат маҳсулотлари, йиллик инфляциянинг ошиши даражасига мутаносиб равишда белгилаш лозим. Бунда, ДХШ механизми асосида ишловчи МТМ ларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида бюджетдан ажратиладиган субсидиялар миқдорини ошириш керак. Хусусан, ҳар бир тарбияланувчига 125 минг сўмдан эмас 175-200 минг сўм миқдоридаги, тарбиячилар ва бошқа ишчи-ходимларнинг ойлик маошларини ҳамда коммунал харажатларнинг 50 фоизини қоплаш бўйича субсидиялар ажратиш мақсадга мувофиқ.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ДХШ механизми бўйича МТТ ривожланганлик даражалари аниқланган рангларига кўра, 3 та ёки 17 фоиз ҳудуд юқори (*Нукус ш, Кўнғирот, Беруний*), 7 таси ёки 41 фоизи ўрта (*Амударё, Нукус, Тахиатош, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Эллиққалъа туманлари*), 5 таси ёки 29 фоизи паст (*Қонликўл, Кегейли, Мўйноқ, Тахтакўпир, Шуманай*) ва 2 таси эса жуда паст (*Бўзатов ва Қораўзак*) ривожланган гуруҳларга тўғри келмоқда. Шу сабабли, яқин келажақда ДХШ механизми паст ва жуда паст бўлган ҳудудларда ушбу механизмнинг мақбул шаклидаги МТМларни кўпайтириб, нодавлат секторга қамров даражасини ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

8. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида ўрта умумтаълим мактабларида ДХШ механизми асосида таълим ҳамда тозаланган ичимлик суви шохобчаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса албатта ҳудудларда ўз навбатида сийдик-тош, буйрак-тош касалликлари, овқат ҳазм қилиш тракти аъзолари, ўт, жигар ошқозон, ўн икки бармоқли ичак касалликларининг кўпайишини олдини олади, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиб, турмуш фаровонлигини ошишига, мактаб ва МТМларда ушбу йўналишда 1000 дан ортиқ янги иш ўринларини яратилишига олиб келади.

Юқорида санаб ўтилган тавсия ҳамда таклифларни амалга ошириш таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллашувига олиб келади деб ўйлаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Phd.03/30.01.2020.1.20.06. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ БЕРДАХА**  

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАЛМУРАТОВ КУАНЫШ ПОЛАТОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВЕННО-  
ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ  
КАРАКАЛПАКСТАН**

**08.00.05 – Экономика отраслей сферы обслуживания**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам

**Нукус – 2021**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/Iqt1156.

Докторская диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

Салаев Санъатбек Комилович  
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Досчанов Тангриберген  
доктор экономических наук, профессор  
Пардаев Олим Мамаюнусович  
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится 23 июля 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета Phd.03/30.01.2020.1.20.06. при Каракалпакском государственном университете. Адрес: 230113, город Нукус, улица Ч.Абдирова, дом 1. Тел./факс: (998 61) 223-60-78, (998 61) 223-59-25, e-mail: karsu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за № 3). Адрес: 230113, город Нукус, улица Ч.Абдирова, дом 1. Тел./факс: (998 61) 223-60-78, (998 61) 223-59-25, e-mail: karsu.uz

Автореферат диссертации разослан «8 июля» 2021 года  
(реестр протокола рассылки № 3 от «8 июля» 2021 года).



К.Убайдуллаев

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
профессор

А.К.Алымов

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.э.н.

Т.Досчанов

Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Сфера услуг и сервиса выступает в качестве драйвера экономики развитых и развивающихся стран в условиях глобализации и протекания процессов обостренной конкуренции в мире. Согласно данным Мирового банка, в 2019 году в мировом ВВП доля сферы услуг составляет 55 процентов, в странах – членах G20 - в среднем 62 процента, КНР-Гонконге - 89 процентов, в США, Великобритании, Швейцарии, Франции, Голландии, Японии, Сингапуре, Испании и Канаде - более 70 процентов, в Индонезии, Индии, КНР, Южной Корее – более 50 процентов<sup>38</sup>. Вместе с тем в ВВП стран СНГ на долю сферк услуг приходится в России 68 процентов, в Беларуси 59 процентов, в Казахстане 64 процентов<sup>39</sup>. Сегодня сфера услуг играет ведущую роль в создании новых рабочих мест и повышении уровня жизни населения.

В целях дальнейшего развития сферы услуг и сервиса, повышения ее доли в макроэкономических показателях и, особенно, обеспечения населения новыми рабочими местами на местах, повышения уровня жизни в период пандемии COVID-19 в мире возрастает потребность в научных изысканиях и исследованиях, направленных на разработку новых организационно-экономических механизмов развития сферы услуг. В частности, в этом направлении осуществляются научные исследования, принимая во внимание повышение эффективности сферы услуг на основе государственно-частного партнерства (ГЧП), обоснование высокоэффективных путей развития механизма ГЧП в отраслях сферы услуг, мультипликативное влияние механизма ГЧП на местном, территориальном и макроэкономическом уровне.

В Узбекистане также происходит стабильный рост доли сферы услуг в ВВП, за последние четыре года приняты Указы Президента и Постановления правительства по дальнейшей поддержке непосредственно этой сферы. В частности, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в качестве приоритетных задач определены: “обеспечение сбалансированности и устойчивости национальной экономики, ускоренное развитие сферы услуг, повышение роли и доли услуг в формировании валового внутреннего продукта, кардинальное изменение структуры предоставляемых услуг”<sup>40</sup>. Вместе с тем это предполагает модернизацию субъектов сферы услуг на местах, диверсификацию структуры сферы оказания услуг, повышение оказания высококачественных, конкурентоспособных услуг, внедрение в эту сферу инновационных технологий, внедрение эффективных методов совершенствования организационно-экономических механизмов развития сферы услуг.

---

<sup>38</sup><https://news.myseldon.com/ru/news/index/230465926/> Кто последний? Какие страны выйдут из кризиса позже других

<sup>39</sup> [www.exim.gov/sites/default/files/reports/EXIM-Competitiveness-Report\\_June2017.pdf](http://www.exim.gov/sites/default/files/reports/EXIM-Competitiveness-Report_June2017.pdf)

<sup>40</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”\ <https://lexuz.ru/docs/3107042>



Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, ПП-2848 от 17 марта 2017 года “О мерах по созданию дополнительных благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области”, ПП-4095 от 5 января 2019 года “О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли”, ПП-3980 от 20 октября 2018 года “О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного партнерства” и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень разработанности проблемы.** Теоретико-методологической основой диссертации послужили относящиеся к исследуемой сфере законы Республики Узбекистан, указы, постановления и труды Президента Республики Узбекистан, постановления Кабинета Министров, фундаментальные труды Президента Республики Узбекистан, имеющие отношение к развитию сферы услуг в стране, механизму ГЧП, труды отечественных и зарубежных ученых-экономистов по дальнейшему развитию сферы услуг, механизма ГЧП.

Теоретико-методологические проблемы развития сферы услуг и механизма ГЧП широко освещены в работах таких зарубежных ученых, как А.Бордман, Ф.Вининг, Г.Ходж, С.Греве, Т.Бовайрд, Д.Бринкерхофф, Ж.Бринкерхофф, К.Конноли<sup>41</sup>.

Данным проблемам также посвящены работы таких ученых стран СНГ, как Г.А.Аванесова, А.Э.Айказян, А.Н.Алейников, Ю.П.Анискин, А.Алабин, А.О.Блинов, Г.Ершова, А.М.Игнатъев, А.Б.Крутик, А.И.Муравьев, В.А.Петров, А.Л.Пименова, В.Семченко, К.П.Козёл, А.Г.Милоченко, Ю.В.Кудруг, Д.А.Плетнёв, Е.В.Николаева, А.Кампа, Н.Н.Калмыков, Т.Б.Иванова, И.С.Землянская, Н.И.Мирошников, А.П.Исаев и других<sup>42</sup>.

---

<sup>41</sup> [https://www.researchgate.net/profile/Anthony\\_Boardman](https://www.researchgate.net/profile/Anthony_Boardman). Aidan Vining [The Political Economy of Public-Private Partnerships and Analysis of their Social Value](#); Hodge G.A., Greve C. Public-private partnership in turbulent times. Rethinking public-private partnerships: Strategic approaches for turbulent times. Oxon: Routledge. 2013. P. 124; Hodge G.A., Greve C., Boardman A.E. International Handbook in Public-Private Partnerships. UK: Edward Elgar. 2012. pp.27-28.; [https://www.researchgate.net/publication/227724894\\_D. W. Brinkerhoff. J.Brinkerhoff. Public-private partnerships Perspectives on purposes publicness and good governance](https://www.researchgate.net/publication/227724894_D._W._Brinkerhoff._J.Brinkerhoff._Public-private_partnerships_Perspectives_on_purposes_publicness_and_good_governance); [https://www.researchgate.net/publication/232911819\\_https://www.researchgate.net/profile/Ciaran\\_Connolly?\\_The\\_Private\\_Finance\\_Initiative](https://www.researchgate.net/publication/232911819_https://www.researchgate.net/profile/Ciaran_Connolly?_The_Private_Finance_Initiative)

<sup>42</sup> Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учеб. пособие. - М.: Аспект Пресс. - 2004. – С. 317; Айказян А.Э. Реализация инвестиционных промышленных проектов в сфере малого предпринимательства. - М.: РАН, Ин-т. Экономики, 2000; Алейников А.Н. Предпринимательская деятельность. - М., 2003; Анискин Ю.П. Организация и управление малым бизнесом. - М.: Финансы и статистика, 2002; Бурменко Т.Д. Экономика

Научно-теоретические, организационно-правовые и методологические основы формирования сферы услуг в Узбекистане, развития механизма ГЧП широко освещены в работах таких отечественных ученых-экономистов, как С.С.Гуломов, М.К.Пардаев, Б.Тураев, С.К.Салаев, Н.Муродова, М.Алимова, У.Гофуров, Б.Абдукаримов, Д.Р.Зайналов, Б.Олланазаров, У.Джуманиязов и других<sup>43</sup>. Наряду с этим вопросы формирования ГЧП в рамках UNDP исследованы Н.Юсуповым и Ф.Карабаевым, совершенствования механизма инвестиций на основе механизма ГЧП в сфере туризма - Б.Олланазаровым, эффективного использования механизма ГЧП в сфере жилищного строительства - У.Джуманиязовым.

